



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (13.639)

Баҳоси эркин нарҳда

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ ДОНАЛЬД ТРАМПНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Америка Қўшма Штатлари Президентидан жорий йил 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференцияга оид мактуб келди.

АҚШ Президенти Ўзбекистон Президентининг Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференция таърифи баён этилган мактубини олганидан мамнун бўлганини қайд этди.

Мактубда АҚШнинг Жанубий Осиёдаги стратегияси минтақа мамлакатларини Афғонистондаги низони тартибга солиш ва вазиятни барқарорлаштириш учун бирдек масъулият ҳис қилишга ундаши таъкидланган.

Дональд Трамп Ўзбекистон Президентининг минтақавий ёндашувга доир ташаббусини қўллаб-қувватлаши, бу эса ўз навбатида вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун шароит яратиши, иқтисодиёт, жумладан, Афғонистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришини қайд этди.

Шунингдек, мактубда бундай дейилган:

"Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз катта муваффақиятлар келтирди. Ўтган йили ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган конференция бутун Марказий Осиё бўйлаб истиқболли ҳамкорлик муҳитини яратди, декабрь ойидаги Президент Ашраф Ғани билан учрашувингиз эса мустақам ҳамкорлик ва тараққиётга замин ҳозирлаб берди.

Сизнинг Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман, шундай экан, ушбу формат афғонистонликлар бошчилик қилаётган Кобул жараёни билан мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун биз ҳамкорликда астойдил ишлашимиз зарур. Ок уй маъмурияти Тошкентдаги конференцияда иштирок этувчи АҚШ делегацияси таркибини кўриб чиқмоқда.

Самимий ва илиқ сўзларингиз, шунингдек, Афғонистондаги қўшма саъй-ҳаракатларга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон халқига саломим ва эзгу тилақларимни етказишингизни сўрайман.

Яқин орада Сиз билан учрашишни интизорлик билан кутиб қоламан.

Эҳтиром билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамередовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшилиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар изчил ривожланиб, мустақамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили март ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи, шунингдек, икки мамлакат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтариб, уни сифат жиҳатдан янги амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика соҳаларидаги кенг миқёсли ҳамкорлик истиқболлари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йилда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 177 миллион долларни ташкил қилди. Юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш кўрсаткичлари ҳам ошиб бормоқда.

Туркманобод – Фароб янги автомо-

билъ ва темир йўл кўприklarининг ишга туширилиши ҳамда юкларнинг темир йўл транзитида ўзаро чегирмалар тақдим этилиши юк ташиш ҳажми ва икки мамлакат транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Чегараолди минтақалар ўртасидаги алоқалар, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик фаоллашяпти.

Давлатимиз раҳбари эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, навбатдаги олий даражадаги учрашувга пухта тайёргарлик кўришнинг самарали механизми сифатида Ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятига юксак баҳо берди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг салони ва эзгу тилақларини етказди.

Б.Аннамередов Туркменистон томонидан кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки қардош давлат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-ки-тоблар механизмларини тубдан такомиллаштириш, шу асосда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи қорхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, рентабеллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти ва "Ўзон-маҳсулот" акциядорлик компаниясининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришнинг таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан қароланган давлат нархларини белгилаш;

б) тўпроқ унумдорлиги паст ва охириги 3 йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 15 центнергача бўлган ерларда пахта хом ашёсига давлат буюртмасини жойлаштираш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг тақлифлари асосида ушбу бандга мувофиқ бўшайдиган ерларда қишлоқ ҳўжалиги экинларини, энг аввало, озуқа ва мойли экинларни жойлаштириш, мева-сабзавотчилик ва қорвчилик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида икки ҳафта муддатда Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

2. Белгилансинки:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун узил-кесил ҳисоб-китоблар ҳосил йиғиштирилаётган йилнинг

охиригача тўлиқ ҳажмда амалга оширилади;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ва автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчаларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш учун дизель ёқилгиси ва.ЭКО дизель ёқилгисининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган **ғона чакана нархлари** 2018 йил охиригача бўлган даврда амал қилади;

минерал ўғитларни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида шартлар ҳисобга олинган ҳолда биржа савдоларида амалга оширилади;

фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қопланади.

3. Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер ҳўжаликларининг хизмат кўрсатуви ташкилотлар олдидан 2018 йил 1 январдаги ҳолатига қўра ҳосил бўлган қарзларини, шу жумладан, икки тармоқ қарздорлиги ҳамда бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидан қарзларини тўлаш муддати ҳисобланган пеня ва жаримларни ҳисобдан чиқарилган ҳолда 3 йил муддатга узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирадиган фермер ҳўжаликларининг бюджет, давлат мақсадли жамғармалари, хизмат кўрсатуви ташкилотлар олдидан 2018 йил 1 январдаги ҳолатига қўра ҳосил бўлган қарзлари, шу жумладан, икки тармоқ қарзлари бир ой муддатда ялпи хатловдан ўтказилишини, шунингдек, уни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЭЪТИБОРИ БИЗГА УНУТИЛМАС СОВҒА БЎЛДИ

Халқимиз – болажон. Оилада фарзанд туғилиши билан унинг камоли, тарбияси ва билим олишига ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қаралади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қаратаётган алоҳида эътибори замирида ҳам фарзандлар камолоти билан боғлиқ орзу-умидлар рўёби мужассам.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг биринчи март куни "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори биз соҳа ходимларига катта хурсандчилик бахш этиш билан бирга, янада масъулият билан ишлашни, ўз ишимизга сидқидилдан оқиллик, зукколик ва теранлик билан ёндашишни талаб этади.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йиллардаги давлат таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам соҳани тубдан ислоҳ қилишга катта йўл очди. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши эса ушбу тизимни ҳар томонлама такомиллаштиришнинг энг мақбул йўли бўлди.

Бугунги кунда пойтахтимизда 448 та мактабгача таълим муассасаси ва 156 та нодавлат таълим муассасаси мавжуд бўлиб, давлат мактабгача таълим муассасаларида 116 минг 724 нафар болажонлар, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида эса 8009 нафар болажонларимиз таълим-тарбия олмақда. Бу боғча ёшидаги болаларни шахримиз микёсида 75,3 фоизга қамраб олинганидан далолат беради.

Таълим-тарбиянинг илк бўғини мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади. Мазкур Қарор соҳани янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, муассаса ходимларини рағбатлантириб қолмасдан эртаимиз эгалари бўлмиш келажақ ав-

лод тарбиясига бўлган масъулиятини янада оширади.

Биз соҳа мутахассислари Президентимиз Қарорларидан руҳланган ҳолда сифат ва самарадорликка эришиш учун тарбиячи кадрлар савияси ва билимини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Бундай имкониятлар бизга куч-ғайрат беради. Албатта, мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш катта рағбатдир. Қолаверса, бу ҳужжат билан барча боғчалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши, мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш даражасини оширишга, мазкур муассасаларда таълим-тарбия, сифат ва самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Насиба МАВЛЯНОВА,
Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи

Фарзанд тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизими мутлақо янги босқичда ривожланмоқда. Соҳага доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. МТМлар моддий-техник базаси, улар учун кадрлар тайёрлаш тизими мустақамланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бизни янада қувонтирди. Қарорни катта қизиқиш, ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Бизга юксак эътибор, моддий рағбат барча ҳамкасбларимизни янада шижоат билан ишлашга, олдимизга қўйилган талабларни тўлаткис бажаришга ундайди.

Баҳорнинг илк кунда бу қарор биз, тарбиячилар учун унутилмас совға бўлди. Қарорда қўллаб тарбиячиларнинг ойлик маошига 30 фоиз устама қўшиб берилиши белгиланган. Моддий ва маънавий рағбат бор жойда меҳнат унуми ҳам юксалади, албатта.

25 йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Сўнгги 15 йил давомида тарбиячи бўлиб ишладим. Доимо олий маълумотли бўлишни орзу қилар эдим. Эритилган имкониятлардан фойдаланиб, сиртки олий таълим муассасасига ҳужжат топширдим. Орзуим ушалапти.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларимизга, хорижга сафарларини, унинг раислигидаги йиғилишларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ҳар сафар фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Соҳа мутахассисларига сифатли мактабгача таълим, бола оғини ривожлантиришга доир илгор тажрибани ўзлаштиришга мийл тавсиялар беради. Айниқса, болаларни моддий, маданий-тарихий қадриятларимизни англаш, уларда китоб ўқишга қизиқиш уйғотишга доир фикрлари биз тарбиячилар учун муҳим дастуруламал бўлиб, куч-шижоат бағишляпти.

Баъзан боланинг биргина сўзи туфайли кишининг бор ташвишлари унутилади. Айниқса, эрталаб болажонларнинг "Боғча опа, мени соғиндингизми? Мен сизни соғиндим" деган гапларини эшитиб, кўнглим кўтарилиб кетади.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини мустақамлашга, айниқса, соҳа мутахассисларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга хизмат қилади. Шижоат билан ишлаб, болаларга яхши билим ва тарбия бериб, билдирилган юксак ишонч ва рағбатни ҳар томонлама оқлашга интиламиз.

Моҳира ЙЎЛДОШЕВА,
Учтепа туманидаги
492-мактабгача таълим
муассасаси тарбиячиси

ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАР – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Кейинги пайтларда ўтказилаётган тўй, маърака ва бошқа турли маросимларимизда дабдабозлик, башамдорлик, ўзини кўрсатиш, шуҳратпарастлик ва қуюшқондан ҳаддан ташқари чиқиб кетиш каби иллатларнинг авж олгани ҳеч кимга сир эмас. Серхаражат ва умуман кераги бўлмаган янги одатлар ҳам маросимларимизга жорий этила бошладики, бу фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортикча сарф-харажатсиз ва дабдабасиз ўтказиш бўйича халқимизга мурожаати қабул қилингани нур устига аъло нур бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда сўзга чиққанлар томонидан моҳиятан тўй ва бошқа маросимларимизнинг аслида одамларнинг бошини қовуштириш, улар ўртасида меҳр-мурувват туйғуларини мустақамлаш ўрнига юқорида айтиб ўтилган иллатларнинг авж олиб, бу айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, ҳатто жамиятда маънавий муҳитнинг бузилишига ҳам олиб келаётгани алоҳида таъкидланди. Миллий урф-одат-

ларимиз ва қадриятларимизга тўғри келмайдиган, оилалар моддий ҳолатини оғирлаштирадиган бундай ҳолатларга чек қўйишнинг вақти келганлиги, жойларда тўй ва маъракалар, оилавий маросимлар бўйича таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги қайд этилди.

Тadbирда маҳаллаларда нуронийлар бошчилигида тўйларни ихчам ва удулларимизга мос тарзда ўтказиш бўйича аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга амал қилиш юзасидан ҳудудий, туман ва шаҳар кенгашларига тавсиялар берилди. Бундай маросимларни ўтказиш меъёrlарини бузган шахсларни фуқаролар йиғинида кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

Ушбу мурожаат билан газетамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ ҳўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига бериш;

пахта толасига жажон нархларининг кескин пасайиши эҳтимоли учун пахта толасига преysкуронт ва жажон нархлари ўртасидаги ихобий тафовут суммаси ҳисобига Жамғарманинг сўғурта ҳисоб рақамини шакллантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон харидининг давлат томонидан қафолатланган нархларини тасдиқлашни;

минерал ўғитларни биржа савдоларида сотишнинг махсус шартларини;

фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси қиймати қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиб-тибини;

2018 йил ҳосили пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун Жамғармадан ажратиладиган кредит ресурслари ҳажмларини туманлар бўйича белгилашни;

молиявий ресурслар ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган ёқилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари ҳамда бошқа ресурслар ва хизматлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда етказиб берилиши, тузилган шартномалар

шартларига риоя этилиши, шунингдек, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва ажратиладиган кредит ресурслари қайтарилиши юзасидан жавобгарлигининг аниқ соҳалари ҳамда назорат механизмлари белгилалиши;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини; биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда 2018 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва сотиш балансини тасдиқлашни назарда тутиб Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар сотувчи қорхоналар учун 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорда белгилансин.

7. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган фосфорит хом ашё 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

“Ағробанк” АТБга давлат харидларининг назарда тутилган ҳажмларидан ортиқча бошоқли дон етиштирувчи фермер ҳўжаликларига кредитлар ажратиш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича депозитга 150 миллиард сўм миқдорда йиллик 10 фоизгача ставка бўйича маблағлар жойлаштирилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетда ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетда паст ҳосили ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер ҳўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарарқончаларга қарши курашиш ҳамда фақуллода вазиятларда ҳосилнинг сақланиши бўйича ҳаракатларни қоплашга республика бюджетда назарда тутилган маблағлар ҳисобига 100 миллиард сўм миқдорда маблағлар шакллантирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (М.Икрамов) ҳар бир ҳудуд бўйича маъсул ҳодимлар белгиланган ҳолда Жамғарма маблағлари ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойда-

ланилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Ағробанк” АТБ бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ пахта хом ашёси ва бошоқли дон харид қилиш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан реал вақт режимида назорат қилиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг “Ағробанк” АТБнинг маълумотлар базасидан фойдаланишини таъминласинлар.

10. Чора-тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини ва Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ўз вақтида молиялаштириш бўйича талабларга сўзсиз риоя қилинишини, уларга минерал ўғитлар ва ёқилги-мойлаш материалларининг зарур ҳажмлари етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларга нархлар спекулятив тарзда ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун Бош прокурор О.Б.Муродов, Бош вазирнинг ўринбосарлари З.Т.Мирзаев, Ж.А.Қўчқоров, А.С.Султанов, Н.С.Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икрамовга шахсий масъулият белгилансин.

11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН:

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИККА
АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК
БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ
РИВОЖЛАНМОҚДА

Тарих неча-неча фотиҳларга, оламшумул кашфиётлару инсоният ҳаётида туб бурилишлар ясаган воқеаларга гувоҳ бўлган. Аммо ҳар замон, ҳар даврда дўстлик, биродарлиқни улуглаган, ҳаётини, амалини, номини тинчлик билан боғлаганларгина тарих ярата олдилар.

Асрлар қаъридан оша қарор топган ўзаро борди-келди, қардошлик ришталари жамиятлар манфаатига, халқлар фаровонлиги ва дўстона алоқалар ривож топишига хизмат қилган.

Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида қарор топган муносабатлар, тарихий алоқалар, ҳамкорлик истиқболлари ҳам ана шундай мезонга эга.

Истиқлол йўлини бир даврда бошлаган икки мамлакат бугун тараққиётнинг янги босқичига биргаликда қадам қўймоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган бўлса, Президент Нурсултон Назарбаевнинг Қозоғистон халқига мурожаатида мамлакатни модернизация қилишнинг учинчи босқичи белгилаб берилди. Шу тариқа икки қардош халқ абадий дўстлик, стратегик шериклик асосида иқтисодийни ривожлантириш йўлида бир-бирига елкадош бўлиб келмоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг доимий учрашувлари ва мулоқотлари миллий, минтақавий масалалар юзасидан ўзаро маслаҳатлашши ва шу асосда Марказий Осиёнинг ягона ривожланган макон сифатидаги манзарасини шакллантириш имконини бермоқда. Буни Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида транспорт-коммуникация алоқалари, автомобиль ва темир йўлларининг ўзаро интеграциялашиб бораётгани ҳам қўриш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шериклиқни янада чуқурлаштириш ва ахил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжатда икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш ҳамкорлигининг устувор йўналиши экани қайд этилди.

“Ўзтемирйўловчи” акциядорлик жамияти 2018 йилнинг 2 январидан Қозоғистон ва Россия темир йўл йўналишларида 45 фоизгача чегирамалар жорий қилгани мамлакатимиз томонидан ўзаро преференциялар тақдим этиш борасидаги инициативаларининг амалий ифодаси бўлди. Ўз навбатида, Қозоғистонда “Бейнов – Ажигит – Ўзбекистон чегараси” автомобиль йўлининг реконструкцияси бошлаб юборилганини таъкидлаш керак. Узунлиги 85 километр, умумий қиймати қариб 20 миллиард тенгени ташкил этадиган мазкур йўл участкаси “Тошкент – Самарканд – Бўхоро – Нукус – Атирау – Астрахан” халқаро транзит-транспорт йўлига таркибига кирди. Ушбу йўлак мамлакатимизга Каспийбўйи минтақаси ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларига қиёш имконини беради. Шунингдек, Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани ҳудуд-

дидан ўтган Тошкент ва Самаркандни боғловчи автомобиль йўлининг қайта ишга туширилиши, Тошкент – Олмаота йўналишида тезорар поезд ва икки мамлакат шаҳарларини боғловчи автобус қатнови йўлга қўйилгани ҳудудлараро маданий-гуманитар алоқалар ривожига, савдо айланмаси ҳамда инвестициялар ҳажмининг сезиларли ошишини таъминламоқда.

Қайд этиш керак, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашда ишбилармонларнинг қўшма тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнес-форумлар, B2B доирасидаги музокаралар истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан, уларнинг асосий параметрлари ва молиялаштириш манбалари қўриб чиқишда муҳим омили бўлмоқда. 2017 йилнинг март ойида Остона шаҳрида ҳамда сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-форумларда умумий қиймати 1,2 миллиард долларга тенг битимлар имзолангани бу фикрга ёрқин мисолдир.

“GM Uzbekistan” билан Қозоғистоннинг автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи “AllurGroup” миллий компанияси ўртасида Қўстанайда “Ravon” бренди остида енгил автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилгани саноат соҳасидаги ҳамкорлиқнинг яна бир муваффақияти бўлди.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилган стратегик шериклик муносабатларини мазмунан бойитиб, ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгилашга хизмат қилмоқда.

2017 йилнинг июнь ойида Қозоғистоннинг Жамбил вилояти делегацияси Жиззахга ташриф буюрди. Бу ташриф вилоятлараро шериклиқни янада фаоллаштириш учун кенг йўл очди.

Қайд этиш даркор, ҳудудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар вилоятлар кесимидagi ташқи ҳамкорлик алоқаларининг аниқ ва шаффоф бўлишини таъминлаш, таҳлил қилиш, мамлакат иқтисодийотида ҳар бир минтақанинг ўрни бўйича доимий ахборотга эга бўлиш имконини бермоқда. Бу бошқаруvingннг энг халқчил ва демократик саналган “пастдан юқорига” тамойилини рўйбга чиқариш учун ҳам асос бўлматти.

Бугунги кунда мамлакатимизда Қозоғистон капитални иштирокида тузилган “қариб 230, Қозоғистонда Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 130 дан ортиқ қорхона фаолият юритмоқда. Аини пайтда томонлар қўшма қорхоналар тузиш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги сый-ҳаракатларни янада фаоллаштирмоқда. Бу инициативалар Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинган 2018 йилда катта ютуқлар келтиришига шубҳа йўқ.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎАА мухбири

**Зулфия оташнафас,
беназир ижодкор,
муҳаббат ва садоқат
қўйчиси тимсолида
халқимизнинг қалбида
яшаб келмоқда. Унинг
ҳаёти ва серқирра ижоди
хотин-қизларга ибратли
бир ҳаёт мактаби, бебаҳо
шеърини эса адабиёт
гулшанида бир гултож
бўлаётгани барчага аён.**

**Баҳор нафасига, она табиатга, ҳаётга муҳаббат юзлари
сингдирилган ижоди кўнгилларга самимият, шу муқаддас
заминга, унинг меҳнатсевар, фидойи инсонлигига, мўтабаар
онахону дилбар опа-сингилларга чуқур эҳтиромга
йўғрилганлигини фахру ифтихор билан ёдга оламиз.**

ЗУЛФИЯХОНИМ – ДОИМО
ЭЪЗОЗДА

Биринчи март куни таниқли жамоат арбоби, бахт, садоқат ва вафо қўйчиси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд топганига 103 йил тўлди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Адиблар хйёбонида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифонининг шаҳар Кенгаши, Маданият ишлари бош бошқармаси ҳамкорлигида “Зулфияхоним – доимо эъзозда” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Қўларига анвоий гуллар ва китоблар тутган бир тўп ёшлар, давлат ва жамоат арбоблари, ижодкорлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, депутатлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг шоғирдлари, яқинлари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар ва адабиёт мухлислари иштирок этган тадбир ҳақиқий баҳор байрамига айланиб кетди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Адиблар боғи янада кўркам, обод ва сўлим қиёфа касб этди. Зулфия ва Хамид Олимжон ҳайкали ўрнатилган хйёбонда бетакор абадий муҳит юзига келди, шеърини ихлосмандлари талғилладиган мўъжиз макон ўзига хос зиёратгоҳга айланди.

Тадбирни кириш сўзи билан очиб берган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Нажмуддинова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, шоиранинг келини Р.Олимжонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий адабиёт, санъат ва маданият равнақи йўлида кенг қамровли улкан ишлар олиб борилаётганини, бу жараёнда сўз санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, шоир ва ёзувчилар хотирасини эъзозлаш, абадийлаштириш ҳамда уларнинг асарлари мазмунини кенг тарғиб этиш бўйича қўллаб амалий чора-тадбирлар қўрилатганини таъкидлади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар Зулфия ижоди келажак авлод маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, инсонийлик, фидойилик, поклик ва халоллик қояларида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини ҳам айтиб ўтдилар.

Халқимиз Зулфияни жаннатмакон дйёримизни, баҳорини, хотин-қизлар ҳаётини содда ва самимий, халқчил сатрларда тараннум этган шоира сифатида ҳамиша ардоқлайди. Унинг оташин мисралари Ватанимиз, тинч, фаровон, бахтиёр ҳаётимиз, муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асрашга қорайди.

Мамлакатимизда 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани шоира хотирасини абадийлаштириш ва унинг ижодида улкан эҳтиромнинг ифодаси бўлди. Аини пайтда ушбу мукофот юртимизда хотин-қизларнинг

жамият тараққиётидаги фаоллигига ҳурмат намунаси, иктидорли қизларни улкан марраларни забт этишга қорловчи омилга айлангани дунё мйкёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ эндиликда Зулфия номидаги Давлат мукофотида таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятда алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ўттиз ёшдан ошмаган иктидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан берилади.

Жиззах шаҳрида Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ташкил этилгани эса адабий меросимизни мукамал ўрганиш, ёшларни она тилимизга бўлган муҳаббатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга келиб 255 дан зиёд иктидорли қизлар ушбу юксак мукофот билан тақдирланди. Улар фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича ютуқларга эришиб келаятганлигини фахр ва ифтихор билан айтиш мумкин бўлган “Зулфияхоним қизлари” дейди.

– Ҳа, Зулфияхоним бараҳёт сиймо, улар халқ қалбига, юрагига, эл орасида яшамоқда, – дейди Ўзбекистон давлат консерваториясининг бас-такорлик ва чолғулаштириш кафедраси мудири, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ойдин Абдуллаева. – Шоиранинг шеърлари юракка жуда яқин. Аёл муҳаббати, жасорати, сабру қаноати, вафо ва ҳаёси билан барчамизга ўрнак бўлган, юртимиз учун сидқидилдан ҳалол меҳнат қилган, маънавиятимиз ва маърифатимизга муносиб ҳисса қўшган шоира ҳайкали олдида беш эгаман ва улар номидаги юксак мукофотга сазовор бўлганимдан фахрланаман.

Эл севган шоирлар, Зулфияхоним издошлари томонидан ўқилган шеърлар ва она Ватанимизни тараннум этган дилрабо куй ва қўшиқлар йиғилганларга бирдай манзур бўлди. Ёш мусаввирлар томонидан ташкил этилган кўргазма эса барчага баҳорий кайфият улашди.

Тадбир давомида шоира хайкали пойига қўйилган гулчамбарлар, гўё оламини гўзалликка, гулу чаманзорга буркаётгандай таассурот қолдириши билан бирга, ўз умрини халқнинг бахту саодати йўлида сарфлаган инсонлар ҳамиша эл ардоғида бўлиб абадиётга дахлдор эканидан дарақ берди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбаева иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Тимур Камиллов олган сурат

● Фарғона шаҳридаги Болалар истироҳат боғида “Президентимиз ишончини оқлаш – биз учун шараф” шиори остида ўтказилган фестивал ёшларнинг катта шодиёнасига айланди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда мингдан зиёд ёш иштирок этди. Қўллаб танлов, акция ва мусобақалар, байрам дастурларини ўз ичига олган мазкур тадбир фарғоналик ўқувчи-ёшларнинг дўстлик, маънавият ва китобхонлик байрамига айланди. Фолиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

● Сирдарё вилояти “Ховособод” ҳамда Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти “Зафаробод” чегара ўтказув пунктларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Давлат хизматлари агентлиги Самарканд вилояти бошқармаси томонидан аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Тадбирда фуқароларнинг мурожаатларини қонунчиликда белгиланган муддатларда ва амалдаги тартиб асосида қўриб чиқиш ҳамда жавоб беришда тегишли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, фуқароларга давлат хизматлари кўрсатаётган марказлар орқали юборилаётган ҳар бир ҳужжатнинг ижро интизомига қатъий риоя қилиш бўйича топшириқлар берилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги “Safety filter” масъулияти чекланган жамияти томонидан янги инновацион лойиҳа – табиий газни фильтрловчи қурилма ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур қурилма Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва “Ўзстандарт” агентлигининг мувофиқлик сертификати ҳамда Россия Федерацияси “Роспатент” агентлигининг патенти асосида ишлаб чиқарилмоқда.

● Наманган вилояти газначилик бошқармасининг янги веб-сайти – www.pamangazna.uz ишга туширилди. Энди интернетдан фойдаланувчилар бошқарма фаолияти, газначилик амалиётлари, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу сайт орқали ҳар ой ва чорак якунлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот билан танишиш имконияти яратилади.



● Австралияда мамлакатдаги энг катта сузувчи қуёш электрстанцияси ишга туширилди. Унинг қуввати 100 киловатт-ни ташкил қилади. Сузувчи электрстанция Лисмор шаҳридаги “East Lismore” заводида жойлашган. Унинг қуввати ҳозирча у қадар катта эмас, бироқ келгусида беш бараварга ошириш режалаштирилмоқда. Электрстанциянинг паст ҳароратда ҳам ишлай олиши самарадорлиқни оширади ва буғланишни камайтиради. Сузувчи қуёш электрстанцияси технологияси 1 минг 200 калки (поплавок), 280 қуёш фотоэлектр модули ва 15 лангардан иборат.

● “Ягуар Ланд” компанияси томонидан қобиги ўта мустаҳкам ва сувга нисбатан барқарор янги смартфон ишлаб чиқилди. Унинг қиймати 600 еврони ташкил этади.

● Венесуэла бош прокурори Тарек Вильямнинг маълум қилишича, нефть қазиб олиш соҳасидаги коррупция туфайли мамлакат кўп миллиард долларлик зиён кўрган. Аини вақтда PDVSA давлат нефть-газ компаниясининг 76 нафар ходими хисбга олинган. Мамлакатда олиб борилган тозалаш ишлари давомида 2017 йилда PDVSAнинг собиқ раҳбарлари ва нефть саноти вазирлари Эулохио дель Пино ва Нельсон Мартинес ушланган.

РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ВА “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Хурматли юртдошлар! Мухтарам отахон ва онахонлар! Қадрли ёшлар!

Мамлакатимизда инсон манфаатлари ва турмуш фаровонлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада халқимизнинг эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган, одамларимизни бирлаштириш, улар ўртасида ўзаро аҳиллик ва меҳр-муруват туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тўй ва маросимлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, бундай тадбирлар эл-юртимизнинг маданияти, маънавий савияси даражасини яққол кўрсатуви омиллاردан бири, десак янглишмаймиз.

Афсуски, кейинги пайтларда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёнларини менсимаслик каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда.

Ушбу долзарб масала неча ўн йиллардан бери халқимизнинг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. XX аср бошида жаҳид боболаримиз тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик ва даб-дабозиликнинг миллилатимизни маънавий таназзул ва қашшоқликка етаклайдиган иллат экани ҳақида кўйиб ёзганларини эслайлик. Улуғ маърифатпарвар бобоим Маҳмудхўжа Бехбудий **миллатимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган икки нарса бор: бу – тўй ва азадир**, деб айти ҳақиқатни ёзган эди.

Афсуски, йиллар ўтса-да, замон ўзгариб бораётган бўлса-да, миллий тараққиётимизга катта тўсиқ ва гов бўлиб келаётган бу иллатга барҳам бериш, тўй-маъракаларни ихчам, замонавий кўринишда ўтказиш ўрнига, тўйдан олдин ва кейин бўладиган керакли-керасиз тадбирларни ўйлаб топиш, дабдабозлик қилиб, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда.

Пул топиб, ақл топмаган, маънавий савияси паст айрим кимсалар, айниқса, оёғи ердан узилган баъзи мансабдорлар бу борада ахлоқ-одоб меъзоинларини унутиб, ўзларининг жамиятдаги мавқеини, бойлигини кўрсатиб қўйиш каби худбин мақсадларни кўзламоқда.

Энг ёмони, бундай ҳолатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларда ҳалол меҳнатга нисбатан бепасанд муносабат ва енгил-елпи ҳаёт кечирish, манманликка интилишининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳволи ёмонлашувига, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоқига ботишига, энг хавфлиси, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитни бузишга олиб келмоқда.

Бундай нохуш ҳолатлар жамоатчиликнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда, оммавий ахборот воситаларида, маҳалла-қўй, аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Лекин қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, афсуски, бу борада жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмапти.

Мухтарам отахон ва онахонлар! Қадрли ватандошлар!

Тўй ва маросимлар шахсий иш эмас, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга масалалар. Халқимизнинг миллий табиатига мутлақо ярашмайдиган, оилаларнинг моддий аҳволини оғирлаштирадиган, уларнинг турмушини издан чиқарадиган бундай бемаъни ҳолатларга барҳам беришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан биз юртимиз аҳолисиغا, кенг жамоатчилик, хурматли зиёлиларимиз, азиз фарзандларимиз, мутасадди раҳбарларимизга мурожаат қиламиз: ҳар биримиз ўз худудимизда тўй ва маъракалар, оилавий маросим ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этилик. Бу борада тарғибот ва тушунтириш ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада кучайтирайлик.

Қуръони каримда: **“Енглар, ичинглар, лекин исрофгарчиликка йўл қўйманглр. Зеро, Аллоҳ таоло исроф қилгучиларни севмай”**, деб буюрилган. Бир кунлик тўй деб бутун умр йиққан-терган маблағини совириш, бандасига ато этилган ноз-неъматни исроф қилиш катта ғуноҳ эканини эсдан чиқармайлик. Сохта обрў орттиришга қаратилган бундай ишлар ўрнига бева-бечораларга, ночор инсонлар, муҳтож оилаларга ёрдам берайлик. Хайрли ва савобли ишга қўл урган, етим-есирнинг бошини силлаган одам бир умр савоб олишини, халқ ичида доим хурмат ва эъзозда бўлишини маҳалладошларимизга, аёлларимиз ва болаларимизга тушунтирайлик.

Ҳар бир маҳаллада кўпни кўрган, кайвони отахон ва онахонлар бош бўлиб, тўйларни ихчам, камчиқим, замонавий қилиб ўтказиш бўйича меъёр ва меъзоинларни ишлаб чиқайлик ва уларга қатъий амал қилайлик.

Яна бир масала – оилавий тадбирларда санъаткорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатса ва шу тартибга қатъий риоя қилинса, уларнинг масъулияти янада ошади, миллий урф-одатларимиз ва маънавий-тимизга мутлақо тўғри келмайдиган қўй-қўшиқлар, рақс ва бошқа чиқишларнинг олди олинади. Айни пайтда кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларида турли замонавий техник ускуналар, жумладан, овоз кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш атрофдаги инсонларнинг ҳаловатини бузаётганига ҳам бефарқ бўлмайлик.

Бундай тадбирларни ўтказишда ҳаддидан ошган кимсаларни – уларнинг мавқеи ва лавозимидан қатъий назар – маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф этиб, обрў-эътиборли кишилар, имом-хатиблар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиб, маслаҳат бериб, тўғри йўлга солайлик.

Ҳар бир ишда, жумладан, урф-одатларга амал қилишда ҳам меъёр ва тартиб ҳал қилувчи омил эканини унутмайлик. Ҳаётимизда осойишталик ҳукмрон экан, оилаларимизда, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, юқори техно-

логияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини сизларнинг иштирокингизсиз тасаввур этиш қийин. Сизлар хонадонларимизда, маҳаллаларимиз, бутун юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини яратишда доимо фаол бўлиб келмоқдасиз.

Шундай экан, ижтимоий ҳаётимиздаги нуфузингиз ва мавқеингиздан фойдаланиб, тўй ва турли маросим ўтказиётган оилаларга кириб, сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, ортиқча орзу-хавасга берилиш нафақат оила бюджетига, балки ёш оилалар маънавиятининг негизига ҳам жиддий путур етказишини ҳаётини аниқ мисоллар орқали тушунтириб беришимиз лозим.

Бу масалада кўп нарса сиз – аёлларга боғлиқ эканини унутманг.

Азиз ўғил-қизлар!

Сизларнинг ёрқин истикболингиз учун давлатимиз, ота-оналарингиз барча шароитларни яратмоқда. Ўқиб-ўрганамак, замонавий касбларни эгаллайман, деган мақсад билан яшаётган тенгдошларингиз катта марраларни забт этмоқда. Энг сўнгги техника ва технологияларни бошқармоқда, ривожланган мамлакатларнинг илғор ёшлари билан барча соҳаларда тенгма-тенг беллашмоқда.

Шиддат билан тез ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида сизларнинг асосий вазифангиз – замонавий илм-фан ютуқларини, ахборот-коммуникация технологиялари силларини, чет тилларни пухта эгаллаш, мамлакатимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Бугунги дунё тараққиётдан яхши хабардор бўлган XXI аср ёшлари сифатида сизлар миллитимиз шаънига доғ туширадиган бундай салбий иллатларга қарши курашда ташаббус ва фаоллик кўрсатасиз, деб ишонамиз.

Албатта, ҳар бир ота-онанинг энг катта орзунияти жондан азиз фарзандининг бахту икболини қўришдир. Лекин бунга фақат дабдабали тўй қилиш, моддий бойлик тўплаш билан эришиб бўлмаслигини сизлар яхши биласиз. Бунга ҳаётда қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Аввало, ўзингизнинг, қолаверса, миллитимизнинг шаънини, ота-оналарингиз саломатлигини, бўлғуси оилангиз бахтини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказишга ташаббускор бўлинг!

Азиз ватандошлар!

Тўй-маъракалар миллитимизнинг азалий қадриятлари ва аъёнларини намоён этадиган кўзгу экан, уларни юксак маънавий меъзоларга муносиб тарзда ўтказайлик. Бу эзгу ишга ҳамма бирдай бош қўйиши лозим, ҳеч ким ўзини четга олиши, менга бунинг дахли йўқ, деб лоқайд бўлиши мумкин эмас. Зеро, не-не машаққатларни, оғир кунларни бир жону бир тан бўлиб мардларча енгиб ўтган дошинамд халқимизни одоб-ахлоқ меъзоинларига ҳам, муқаддас динимиз талабларига ҳам тўғри келмайдиган бундай иллатларга барҳам беришга қодир, деб ишонамиз.

Биз юртимиз жамоатчилигини шу йўлда ҳам-фикр ва ҳамжиҳат бўлишга, ушбу долзарб масала муҳокамасида таклиф ва тавсиялар билан фаол иштирок этишга чақирамиз.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, кўпгина энгиллик ва имтиёзлар ҳам берилмоқда.

Албатта, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган ёшларимиз кўпчиликини ташкил этади. Аммо айрим нопок кимсаларнинг ўз вазифаларини суистеъмол қилиб, қингир ишларга қўл ураётганлиги бундай ёшларимизнинг ўз мақсадларига етишида қўллаб қўйинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Раҳим Шерофнинг ҳам (исм ва фамилиялар ўзгартрилган) юқорида айтилганидек, олий таълим муассасасини тугатиб, жамиятга нафи тегадиган кадр бўлиб етишишдек, яхши орзу-ниятлари бор эди. У шахримиздаги касб-ҳунар коллежларидан бирида таҳсил олди. Нихоят коллежнинг сўнгги босқичини тамомлаб, олий ўқув юртуга ҳужжат топширишни мақсад қилди. Бунинг учун дипломини олиши зарур эди. Шу мақсадда ўзи ўқиган гуруҳ раҳбари Фозил Йўлдошевга мурожаат қилди. Аммо, устози унга ўқув жараёнида дарсларни қолдирганлиги учун курсдан қолиши мумкинлигини айтди. Қўнларнинг бирида Ф.Йўлдошев Р.Шерофни ёнига чақирди.

– Муаммоларингни ҳал қилишининг иложи бор.
– Қандай, ёрдам беринг илтимос, – деди Раҳим.
– 600 минг сўм берсанг дипломинг қўлингга бўлади.
– Хааа, – деб, ўйлаиб қолди. – Бошқа иложи йўқми?
– Бошқа иложи йўқ, акс ҳолда яна бир йилдан кейин олсан, – деди.
Ўз ҳуқуқини яхши билган Раҳим дарҳол Бош прокуратуранинг ишонч телефонига қўнғироқ қилди...

Яшнобод тумани суди залида бошини қўйи солган коллеж ўқитувчиси Ф.Йўлдошев қилимишди пушаймон бўлиб ўтирарди. Жиноятга жазо муқаррар деганларидек, суд Ф.Йўлдошевни жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор деб топди ва қилмишига яраша жазо тайинлади. Ҳа, ўйламай босилган қадам, ўйламай айтилган ҳар бир гапимизга жавоб беришимиз кундек равшан.

Шундай экан жиноят йўлига бўлиб-билмай тушиб қолаётганларга нима дейиш мумкин. “Сўнгги пушаймон — ўзингга душман” деб бежизга айтилмаган.

Мирзохид КОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси департаментининг
Яшнобод тумани
бўлими катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусий-лаштирилган корхоналарга қўмақлашув ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг 2018 йил 28 февралдаги 29к/ПО буйруғи ва 2018 йил 1 мартдаги 05/246-сонли буюртманомасига асосан аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4-мавзеси, Қорақамиш-2 (Каланова) кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Олмазор туманидаги “2-сонли стоматология поликлиникаси” ДУК (мол-мулклар ва бино-иншоотлари билан бирга) қўйилмоқда.

Бошланғич нархи – 6 585 119 917 сўм.
Аукцион савдоси 2018 йил 6 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2018 йилнинг 23 апрель, 8 ва 23 май ҳамда 7 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича қўлиб қўйилган имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активы бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан, “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закатал пулини тўлашлари лозим: ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали, х/р: 22604000204920609001; МФО: 01121; СТИР: 201722519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан

16.00 гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчига талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхонининг ўтказилганлиги тўғрисидаги ғўйхонанинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатал тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48, 228-80-27.

Лицензия: RR 0001.

Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА 2018
ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-
ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР
ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ
АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК
КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник қўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги 461-сон хатиға илова “Мирзо Улуғбек туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник қўриқдан ўтказиш иш режаси”га асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида 2018 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник қўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловаға ва комиссия таркиби 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага техникаға мулк ҳуқуқи асосида эға шахсларға (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник қўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш таъминлаш;

– мулкчилик шаклидан қатъи назар барча рўсумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларға етказиш; – мулкчилик шаклидан қатъи назар барча рўсумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник қўриқдан ўтказиш майдончаларига ййгиш;

техник қўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашға рухсат бериш ташкил қилиш;

техник қўриқдан ўтмаган ёки техник қўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорға ёзма қўрсатма берилиши ва қайта техник қўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгиллаш;

техникани қайта қўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййғим ундирилмаслиқ;

мулкдор қўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник қўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалға ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техник доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник қўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорлар билдиришномани олгандан сўнг техник қўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин техник қўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин; техник қўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. “Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекцияси (С.Хайтов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтиға қойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўйға қиради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Саидолимов зиммасига юклансин.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими
Ш.Кудбиев

2018 йил 22 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Обод шахрим, озода шахрим

ОБОДОНЛАШТИРИШ
ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА


Улкамизга бутун борлиқни уйғотгани холда фаслларнинг келинчаги бўлмиш баҳор кириб келди.

Тез орада гуллар ўзидан хушбўй ифори тарқатиб, олам яшилликка бурканади. Ота-боболаримиздан қолган азалий удумларимизга кўра баҳор бошланиши билан жойларда ободонлаштириш, орасталаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди. Шу кунларда пойтахтимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ўтказилиши хисобга оладиган бўлсақ бундай ишлар кўламини бундан-да кенгайтиришимизга тўғри келади.

Азизлар, келинлар, белимизни маҳкам боғлаган холда хайрли ниятлар би-

лан Халқаро хотин-қизлар байрами ва Наврўзи оламга пешвоз чиқайлик. Барчамиз ўз иш жойларимиз бўлган корхона, ташкилот, муассасалар, бўйи ва ўрта махсус ўқув юрталари, мактаблар ва болалар боғчаларида тозалаш ишларига бош кўшайлик, дов-дарактларга шакл бериб, киши билан кучга тўлган ерларни юмшатайлик, кўчат экиб боғ яратайлик.

Шаҳримизда бугун нима кўп — дўкон кўп. Мулкчилик шаклидан қатъи назар замонавий дўконларимиз атрофларининг тозали-



гига ҳам катта эътибор қаратайлик, кўпроқ арча ҳамда бошқа манзарали дарактлар экиб, пойтахтимиз хавосини янада мусаффо этайлик. Шундай кўтлуг кунларда кимсасиз, қаровчиси йўқ, кўмакка муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, баҳоли-қудрат улардан ўз ёрдамимизни аямайлик.



Кўпчилик шанба, якшанба кунлари дам олади. Шундай кунларда кўлни кўлга берган холда жипслашиб, кўп қаватли уйлар атрофини, маҳаллаларимизни янада обод ва ораста қилайлик. Токи бизлардан келажақ авлод учун ҳамиша обод ва озода Ватан қолсин.

Коммунал хизмат:

“ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ”
ДЕГУВЧИЛАР АДАШАДИ...

Сув — оби-ҳаёт, усиз умуман ҳаёт кечириб бўлмаслиги барчага аён. Шундай экан нега хонадонларимизда беминнат оқиб турган сувдан хоҳлаганча фойдаланамизу ҳақини тўлашга келганда юзимизни четга бураимиз. Коммунал тўлов деган гапни эшитганда ўзимизни тушунмаганга оламиз. Ахир дунёнинг ҳар бир бурчагида мана шу оби-ҳаётга зор бўлаётганлар қанча.

Тошкент шаҳар “Сувсоз” ДУК томонидан аҳолига ичимлик ва оқава сув хизматлари бекаму кўст этилаётган бўлиши билан бирга, аҳолига истеъмол қилинган ичимлик суви ва фойдаланилган оқава сув хизматлари учун ойнинг 10 кунига қадар ўтган ой учун тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаби қўйилган. Лекин, аҳоли ўртасида кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни вақтида амалга оширмай, яъни ўз мажбуриятларини бажармай, унга совуққонлик билан қараётганлар ҳам топилади. “Сувсоз” ДУК, “Сув тақсимоти” бўлими ҳодимлари улар билан мунтазам равишда дебитор

қарздорликларни ундириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Коммунал хизматларидан фойдаланиб уларга ҳақ тўламаслик салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирилмоқда. Аммо баъзи истеъмолчиларнинг бефарқлиги ўзгармай, қарздорлар сафи камаймаяпти.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, сув — ҳаёт манбаи, инсон саломатлигининг гарови. Одам ўзини яхши ҳис қилиши учун фақат тоза ичимлик сувидан фойдаланиши керак. Олимлар томонидан инсон ҳаёти давомилигининг сув билан боғлиқ жиҳатлари аллақачон ўрганилган. Шуни ино-

батга олсак жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, инсонда пайдо бўладиган касалликларнинг 90 фоизи сифатсиз сув истеъмол қилишнинг натижасидир. Тоза ичимлик суви, бу содда қилиб айтганда одам саломатлигига зарар етказмайдиган, таркибиди аралашма бўлмаган сув. Уни узлуксиз етказиб бериш учун давлатимиз томонидан қанчадан-қанча маблағ сарфланмоқда. Айни вақтда тоза ичимлик суви муаммоси ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Ер шари аҳолисининг кўпайиши жадал суръатларда кечаяётган бир пайтда ҳаётнинг барча жабҳаларида сувга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида глобал сув инқирозиға яъни, чўчүк сув етишмаслигига олиб келмоқда.

Халқимизда “Уммон олдиди турсанг ҳам, бир томчи суви беҳуда сарф қилма”, деган пурмаёно ҳикмат бор. Ана шу ҳикматни ёдда тутиб олдимиздан оққан сувнинг қадрини чуқур англаган холда тўловларни ҳам вақтида амалга оширайлик, азизлар!

Қарздорлик бўйича “СУВСОЗ” ДУК томонидан берилган маълумотлар

Истеъмолчининг Ф.И.Ш.	Манзили	Ҳисоб рақами	Қарздорлик суммаси
Бектемир тумани			
Д. Балтабаева	“Бинокор” маҳалласи, Сангзор кўчаси, 18-уй, 25-хонадон	446817	1 528 766
И. Ражабов	“Нуратон” маҳалласи, Сомонбозор кўчаси, 3-уй	9002077	774 000
А. Бегмухамедов	“Миришкор” маҳалласи, Водник маҳалласи, 51-уй, 121-хонадон	448465	436 473
Г. Арипова	“Бинокор” маҳалласи, Зират кўчаси, 30/2-уй	9007062	689 223
Миробод тумани			
А. Нарматова	Фитрат номи маҳалла, Янги Замон 3-тор кўчаси, 3-уй, 1-хонадон	606209	548 127
Ф. Хамраева	“Афросиёб” маҳалласи, Шахрисабз кўчаси, 15-уй, 24-хонадон	358889	557 934
О. Яқубов	“Навбахор” маҳалласи, Кичик Бешбег кўчаси, 305-уй, 48-хонадон	368253	1 367 641
М. Шарипова	“Байналмилал” маҳалласи, Богиталанд кўчаси, 5-уй	5009003	2 787 928
Яккасарой тумани			
С. Арипова	Ю.Ражабий номи маҳалла, Ю.Ражабий кўчаси, 18-уй, 39-хонадон	434254	838 983.5
М. Абдуллаева	“Дилбўлоқ” маҳалласи, Қўлбег кўчаси, 17-уй, 80-хонадон	431948	1 196 930
У. Закиров	“Қўлбег” маҳалласи, Қўлбег даҳасидаги ётоқхона, 23-уй, 43-хонадон	431558	1 426 823
Х. Абдуллаев	“Қўлбег” маҳалласи, Қўлбег маҳалласи, 1-уй, 64-хонадон	430416	627 450.1
Ш. Мирхантов	“Қўлбег” маҳалласи, Қўлбег кўчаси, 6-уй, 2-хонадон	431186	412 380.3
Яшнобод тумани			
М. Шалышкин	“Мумтоз” маҳалласи, Мумтоз 3-тор кўчаси, 3-уй, 5-хонадон	350562	505 013
Л. Горлова	“Мумтоз” маҳалласи, Мумтоз 3-тор кўчаси, 4-уй, 4-хонадон	350570	931 275
К. Сагиев	“Мумтоз” маҳалласи, Мумтоз 3-тор кўчаси, 10-уй, 4-хонадон	350641	532 557
А. Рахимов	“Мумтоз” маҳалласи, Мумтоз кўчаси, 15-уй, 9-хонадон	350873	645 922
Сергели тумани			
А. Пардаев	“Тинчлик” маҳалласи, Сергели-8А, 3-уй, 122-хонадон	411704	828 000
С. Нурматова	Соҳибқирон номи маҳалла, Сергели-8, 78-уй, 50-хонадон	415918	460 000
Н. Дузмуродова	Нигулар номи маҳалла, Сергели-2, 15-уй, 64-хонадон	389809	1 205 365
Д. Золотова	“Навқирон” маҳалласи, Сергели-1, 31-уй, 82-хонадон	395150	2 625 241
Шайхонтоҳур тумани			
А. Исмагуллаев	“Белтепа” маҳалласи, Оқилон кўчаси, 16-уй	1136034	2 338 972.68
Р. Мухамедова	“Белтепа” маҳалласи, Оқилон кўчаси, 6/8-уй	1136037	3 811 759.68
А. Абидов	“Катта Жарик” маҳалласи, Улутбек 2-тор кўчаси, 8-уй	1144070	2 125 467.22
М. Якубова	“Янги шаҳар” маҳалласи, Кўча Дарвоза 1-бери кўчаси, 20-уй	1 021 060	905 238.91
Чилонзор тумани			
Ш. Исламов	“Чилонзор” маҳалласи, Чилонзор 5-тор кўчаси, 1-уй	3163133	1 553 933.63
Н. Ялгаров	“Яккабў” маҳалласи, Богобод 1-тор кўчаси, 55-уй	3173075	2 148 685.33
А. Шарипов	“Хонгўли” маҳалласи, Сўғали ота кўчаси, 90-уй	3183139	1 346 125.85
М. Туляганов	“Катта Қозиробод” маҳалласи, Рудакий кўчаси, 49-уй	3150020	1 078 108.85
Юнусобод тумани			
А. Кузнецов	“Хусниобод” маҳалласи, Юнусобод 2-маъзе, 1-уй, 11-хонадон	212638	1 048 063
М. Тошимова	“Шахристон” маҳалласи, Шахристон кўчаси, 1-уй, 3-хонадон	196307	1 172 797
Д. Адилова	“Шахристон” маҳалласи, А.Темур шоҳ кўчаси, 127/4-уй, 1-хонадон	1004018001	550 001
З. Иркулова	“Хусниобод” маҳалласи, Юнусобод 2-маъзе, 34-уй, 72-хонадон	213 561	550 669
Учтепа тумани			
А. Адилов	А.Қодирий номи маҳалла, Зафарий кўчаси, 13/11-уй	2186096	925 424.38
Т. Хикматхужаев	“Қўқсарой” маҳалласи, Фархўз 2-тор кўчаси, 10-уй	8008065	1 044 176.93
У. Гафуров	“Фозилтепа” маҳалласи, Итза 2-тор кўчаси, 37-уй	3212318	490 832.29
В. Махкамов	“Катта Қалъа” маҳалласи, Шарк кўчаси, 40/38-уй	3176083	3 113 815.43
Олмазор тумани			
З. Рахматуллаева	“Хончорбў” маҳалласи, Меъзор 1-тор кўчаси, 40-уй	2055064	2 251 674.7
А. Камиллов	“Хончорбў” маҳалласи, Шимолий Олмазор 1-тор кўчаси, 6А-уй	2058029	2 806 301.1
Х. Джаббаров	“Гулсарой” маҳалласи, Қорақамп 1/4, 34 А-уй, 31-хонадон	157421	1 506 240.6
М. Мирзаев	“Олимпия” маҳалласи, Чилбой кўчаси, 4-уй, 14-хонадон	143703	1 029 301.5
Мирзо Улутбек тумани			
Р. Хакимов	“Олий ҳиммат” маҳалласи, Магистр кўчаси, 66-уй	6125107	2 751 695
Д. Максудова	“Янги Авайхон” маҳалласи, Қорасув 6-маъзе, 19-уй, 118-хонадон	285087	1 431 902
Х. Гаффарова	“Катта Қорасув” маҳалласи, Қорасув 3-маъзе, 1-уй, 12-хонадон	262540	1 279 393
М. Мухамеджанов	“Катта Қорасув” маҳалласи, Қорасув 3-маъзе, 5-уй, 38-хонадон	262846	956 125

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда “Маданият соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустақамлашнинг долзарб масалалари” мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Маданият вазири Б.Сайфудлаев, Маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори А.Хайдаров, “Ўзбекино” Миллий агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ш.Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда миллий маданият ва санъатимизни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар соҳани давр руҳига монанд такомиллаштириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувида, мамлакатимиз парламентига Мурожаатномасида, шунингдек, 2017 йил 25 декабрда маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу борадаги янги мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида юртимиз музейлари, театрлари, маърифат масканларининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш, таъмирлашга эҳтиёж катта бўлган маданият даргоҳларини реконструкция қилиш, бадий-ижодий жамоаларнинг репертуарини янада яхшилаш юзасидан кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда. Маданият ва санъат даргоҳлари ҳамда йирик компания, банклар ҳамкорлигида “Дўстлар клублари” ташкил этилди. Болалар музика ва санъат мактабларидаги таълим жараёнининг сифатини таҳлил этиб бориш доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Шиддат билан ривожланиётган давр мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини оширишдек вазифага кенг қамровли ёндашишни талаб этмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, бу йўналишда ҳуқуқий асосларни мустақамлаш катта аҳамиятга эга.

Конференцияда маданият соҳасида ҳуқуқий асосларни мустақамлашга оид тақлиф ва режалар атрофича муҳокама этилди.

ИЛЛАТЛАРДАН ОГОҲ
ЭТИБ...

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Биз бунёдкор ёшларимиз, иллатларга қаршимиз” деб номланган кўргазма ташкил этилди.

“Буюк аждодлар меросини ўрганамиз” ойлиги доирасида ўтказилаётган кўргазмада Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижод намуналари тақдим этилган.

Ойлик доирасида китобхонлик тарғиботини янада кучайтириш, буюк алломаларимизнинг ижодини ўрганиш, ёш авлодни турли хатарли ғоялардан ишончли ҳимоялашга доир анжуманлар, танловлар, ижодий викториналар ҳам ўтказилади.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган плакат-рассомлар томошабинини огоҳлик ва ҳушёрликка, ўзи, Ватани, халқи олдида доимий масъулиятни ҳис этишга қорлайтгани билан аҳамиятлантиди.

...Элмира Отажонованинг “Қурраи заминдаги аксимиз” номили расмлар туркумида турли табиий офатлар, инсониятнинг сайёраимизга бешафқат муносабатини ўзида акс эттирган. Пуллар ёмғири остида вальсга тўшаётган келин-куёвни тасвирлаган Рустам Уринов ҳар биримизни уводдан, кераксиз сарф-харажатдан, ҳаёт тарзимизга зид одатлардан сакланишга қакиради. Терроризмининг инсон ҳаётида чинакам сиртмоқ эканини Алёна Коенкова ғоят таъсирчан ифодалаган.

Мазкур кўргазма ёшларни экологик, тиббий, маънавий, ғоявий-ахлоқий хатарлардан огоҳ этишга қаратилгани билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Учтепа туманидаги 64-сонли катталар таълим маркази томонидан 2001 йилда Исмаилов Равшан Сабирович номига берилган шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк қайдостри хизмати” давлат корхонаси томонидан Инаят-ва Мухаррам Хадиевна номига Шайхонтоҳур тумани, Тинчлик кўчаси, 48-уй нотурап савдо дўкони учун 30.12.2015 йилда берилган TS 0143805-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педиатрия-тиббий институтининг ректорати, меҳнат жамоаси чет тиллари, педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси

Мухаббат Махсумовна АХМЕДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изхор этади



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кундузи — 13-15 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра,
3 мартда Тошкент

Тошкент шаҳрида 3 март куні ҳаво ўзгариб туради, ёлғизарилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 5-12 метр тезлиқда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4,

шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишиға имконият яратилади, ифосланиши даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамити»ға — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12596 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш мухаррир
Акмал АҚРОМОВ